

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОNUНИ

МУЗЕЙЛАР ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади музейларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Олдинги таҳрирга қаранг.

2-модда. Музейлар тўғрисидаги қонунчилик

Музейлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг музейлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(*2-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон*)

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Миллий музей фонди — Ўзбекистон Республикаси худудида доимий турган музей ашёлари ва музей коллекциялари мажмуи;

Миллий музей фондининг Давлат каталоги — Миллий музей фонди таркибиغا киритилган ҳар бир музей ашёси ва ҳар бир музей коллекцияси тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати;

музей — музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси;

музей ашёси — сифати ёки алоҳида белгилари жамият манфаатлари учун сақлаш, ўрганиш ва оммага намойиш этиш заруратини тақозо этувчи маданий бойлик;

музей коллекцияси — ўз келиб чиқиши хусусияти ёки шаклан яқинлиги туфайли ёхуд бошқа белгилари бўйича бирлаштирилгандагина музей ашёси хусусиятига эга бўладиган маданий бойликлар мажмуи;

сақлаш — музейнинг музей ашёси ва музей коллекцияси бут сақланишини таъминлаш учун моддий ва хуқуқий шароитлар яратилишини назарда тутувчи фаолият тури;

эълон қилиш — музейнинг музей ашёлари ва музей коллекцияларини омма олдида намойиш этиш, босма нашрларда, электрон ва бошқа турдаги жисмларда тақорлаш орқали жамиятга тақдим этишнинг барча шаклларини назарда тутувчи фаолият тури.

2-боб. Музейларни бошқариш

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, такомиллаштиришга доир дастурлар ва қарорлар қабул қиласи;

музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Музейларни ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги низом.

давлат музейларининг тоифаларини белгилайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат музейларининг тоифалари тўғрисида»ги низом.

Миллий музей фонди тўғрисидаги ва Миллий музей фондининг Давлат каталоги тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган «Миллий музей фонди тўғрисида»ги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Миллий музей фондининг Давлат каталоги тўғрисида»ги низом.

музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш ҳамда унинг таркибидан чиқариш тартибини белгилайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш ҳамда унинг таркибидан чиқариш тартиби тўғрисида»ги низом.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлаш тартибини белгилайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган «Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби тўғрисида»ги низом

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини бошқариш тартибини белгилайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини бошқарши тартиби тўғрисида»ги низом.

Миллий музей фонди ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Миллий музей фонди ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириши тартиби тўғрисида»ги низом.

музей мутахассисларини тайёрлаш ҳамда музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартибини белгилайди;



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Музей мутахассисларини тайёрлаш, музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги низом.

Олдинги таҳрирга қаранг.

конунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

(4-модданинг ўн биринчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)



LexUZ шарху

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни.

Олдинги таҳрирга қаранг.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари

(5-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнданги ЎРҚ-436-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2017 й., 24-сон, 487-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

(5-модданинг биринчи қисми биринчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнданги ЎРҚ-436-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2017 й., 24-сон, 487-модда)

Миллий музей фондининг Давлат каталогини юритади;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда Миллий музей фонди таркибида киритади ҳамда унинг таркибидан чиқаради;

Олдинги таҳрирга қаранг.

Миллий музей фонди таркибида киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибida ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказганлик ҳақидаги хабарномаларни қабул қиласида ва уларнинг реестрини юритади;

(5-модданинг тўртминчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрдаги ЎРҚ-721-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(5-модданинг бешинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎРҚХТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Миллий музей фонди таркибида киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қиласида;

(5-модда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли Қонунига асосан бешинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

Миллий музей фонди ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

Миллий музей фонди таркибида киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартларини тасдиқлайди;

музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

Олдинги таҳрирга қаранг.

конунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

(5-модданинг тўққизинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)



LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи 141-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисида»ги низом.

6-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда ўз худудида жойлашган музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланишини таъминлайди;

ўз худудидаги давлат музейларини молиялаштириш миқдорини ўз ваколатлари доирасида белгилайди;

Олдинги таҳтирга қаранг.

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

(6-модданинг тўртинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)



LexUZ шарҳи

Кўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни.

3-боб. Миллий музей фонди

7-модда. Миллий музей фондининг таркиби

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисмидир.

Миллий музей фонди Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисмидан ва давлатга тегишли бўлмаган қисмидан иборатdir.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг фуқаролик муомаласига фақат ушбу Қонунда белгиланган чеклашларга риоя этилган ҳолда йўл қўйилади.

8-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш

Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Музей ашёлари ва музей коллекциялари Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳисобланади.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари — мулкдорига рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

9-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибидан чиқариш

Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибидан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади. Тегишли факт Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан музей ашёлари ва музей коллекциялари Миллий музей фонди таркибидан чиқарилган ҳисобланади.

10-модда. Миллий музей фондининг Давлат каталогини юритиш

Миллий музей фондининг Давлат каталогини юритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига бўлган фуқаролик хукуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгариши ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари, шу жумладан мулк хуқуқини бошқа шахсга ўтказиш мазкур ҳаракатлар Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилади.

11-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши мумкин эмас, ушбу модданинг **иккинчи қисмида** назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Олдинги таҳтирга қаранг.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига вақтинча олиб чиқиш **қонунчиликда** белгиланган тартибда амалга оширилади.

(11-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

12-модда. Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг фуқаролик муомаласи хусусиятлари

Олдинги таҳтирга қаранг.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари факат Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хабардор қилингандан кейин тасарруфдан чиқарилиши ёки универсал хуқуқий ворислик тартибда ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

(12-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрдаги ЎРҚ-721-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон)

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей коллекцияси бўлинмасдир.

13-модда. Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига бўлган мулк шакллари

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари хусусий ҳамда оммавий мулк шаклларида бўлиши мумкин.

4-боб. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми

14-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркиби

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига, кимнинг эгалигида турганлигидан қатъи назар, давлат мулки бўлган музей ашёлари ва музей коллекциялари киради.

Олдинги таҳтирга қаранг.

Давлат музейлари, бошқа давлат муассасалари томонидан муассислар маблағлари ёки ўз маблағлари ёхуд бошқа маблағлар ҳисобидан олинадиган, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа усулда олинадиган музей ашёлари ва музей коллекциялари Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киради.

(14-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

15-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш мумкин эмас, уларнинг йўқолиши,

емирилиши ёки бошқа музей ашёлари ва музей коллекцияларига айирбошланиши ҳоллари бундан мустасно.

Олдинги таҳтирга қаранг.

(15-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Конунига асосан чиқарилган — ЎРҚҲТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда)

Олдинги таҳтирга қаранг.

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ушбу модданинг **биринчи қисмида** назарда тутилган ҳолларда тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан қабул қилинади.

(15-модда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли Конунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

16-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёларини ва музей коллекцияларини бошқариш

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари оператив бошқариш хуқуки асосида давлат музейларига, бошқа давлат муассасаларига бириктириб қўйилади.

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини оператив бошқариш топширилган давлат музейлари, бошқа давлат муассасалари:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг жисман бут сақланиши ҳамда хавфсизлигини;

музей ашёлари ва музей коллекциялари билан боғлиқ ҳисобга олиш ҳужжатларининг — юритилиши ҳамда бут сақланишини;

музей ашёлари ва музей коллекцияларидан илмий, маданий, маърифий ҳамда таълим — мақсадларида фойдаланилишини таъминлаши шарт.

17-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми ҳолати устидан давлат назорати

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми ҳолати устидан давлат назорати қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолатини ҳамда уларни сақлаш шароитларини текшириш;

музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳақида Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳисобини юритиш учун зарур бўлган сўровномалар йўллаш ҳамда ахборот олиш.

5-боб. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми

18-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркиби

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига Миллий музей фонди таркибига киритилган хусусий мулк бўлган музей ашёлари ва музей коллекциялари киради.

19-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритиш

Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритиш белгиланган тартибда уларнинг мулкдори аризаси асосида амалга оширилади.

20-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибидан чиқариш

Музей ашёлари ва музей коллекциялари йўқолган ёки емирилган ҳолларда уларни Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибидан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

21-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибиага киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлаш

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибиага киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

22-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми ҳолати устидан давлат назорати

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми ҳолати устидан давлат назорати қуидаги шаклларда амалга оширилади:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолатини ҳамда уларни сақлаш шароитларини текшириш;

нодавлат музейларига бириктириб қўйилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг мулкдори олдига уларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки уларни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги масалани қўйиш;

музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳақида Миллий музей фонди таркибиага киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳисобини юритиш учун зарур бўлган сўровномалар йўллаш ҳамда ахборот олиш.

23-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибиага киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига оид битимлар

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибиага киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари бўйича олди-сотди ёки ҳадя битимлари тузилганда сотиб оловчи ёки ҳадя оловчи ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан сотувчи ёхуд ҳадя қилувчидаги бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши шарт. Мазкур ашёлар ва коллекцияларнинг олди-сотдисида давлат имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга бўлади.

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибиага киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари васият ёки қонунга биноан мерос қилиб олинганда меросхўр ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан мерос қолдирувчидаги бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши шарт. Бу мажбуриятлардан бош тортган тақдирда, меросхўр мазкур музей ашёлари ва музей коллекцияларини ушбу модданинг **биринчи қисмида** назарда тутилган шартларда сотиши ёки бошқа битим тузиши мумкин. Бу ҳолда давлат имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга бўлади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Агар сотиб оловчи, ҳадя оловчи ёки меросхўр Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибиага киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига нисбатан ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминламаса, давлат ушбу ашёлар ва коллекцияларни **қонунчиликка** мувофиқ ҳақини тўлаб олишни амалга ошириш хукуқига эга.

(23-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли **Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси**, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

Музей ашёлари ва музей коллекцияларига оид ушбу моддада назарда тутилган битимлар Миллий музей фондининг Давлат каталогида давлат рўйхатидан ўtkazilgan кундан эътиборан тузилган ҳисобланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ушбу модданинг **биринчи** — учинчи қисмларида назарда тутилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини давлат томонидан имтиёзли сотиб олиш хукуки ёки ҳақини тўлаб

олиш хукуқини рўёбга чиқариш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ёки унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

(23-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнданаги ЎРҚ-436-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2017 й., 24-сон, 487-модда)

6-боб. Музейларни ташкил этиш

24-модда. Музейларни ташкил этиш мақсадлари

Музейлар қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:

музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш;
музей ашёлари ва музей коллекцияларини аниқлаш ҳамда тўплаш;
маданий, маърифий ва таълим фаолиятини амалга ошириш;
музей ашёлари ва музей коллекцияларини ўрганиш;
музей ашёлари ва музей коллекцияларини эълон қилиш.

Музейларни ушбу модданинг **биринчи кисмидаги** назарда тутилганидан ташқари бошқа мақсадлар учун ташкил этишга йўл қўйилмайди.

25-модда. Музейларни ташкил этиш шартлари

Музейларни ташкил этиш учун қуйидаги шартлар мажбурийдир:

музей тематикасига мувофиқ музей ашёлари ва музей коллекцияларининг мавжудлиги;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳамда оммага намойиш этиш талабларига жавоб берадиган моддий-техник базанинг, шу жумладан бино (хона ёки хоналар), зарур кўргазма жиҳозлари, муҳофаза воситалари ҳамда ёнфинга қарши воситаларнинг мавжудлиги;

музей фаолиятини таъминлаш учун зарур молиявий маблағларнинг мавжудлиги.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Музей-кўриқхоналарни ташкил этиш учун **қонунчиликка** мувофиқ қўшимча шартлар белгиланади.

(25-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелданаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

26-модда. Музейларнинг турлари ва тоифалари

Мулк шаклига кўра давлат ва нодавлат музейлари ташкил этилиши мумкин.

Ихтисослашувига кўра музейлар:

асосий фаолияти музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этишдан иборат бўлган музейларга;

Олдинги таҳрирга қаранг.

асосий фаолияти тарихий-маданий кўриқхона ва у билан боғлиқ табиий ландшафт таркибига кирадиган моддий маданий мерос объектларини, шунингдек музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этишдан иборат бўлган музей-кўриқхоналарга бўлинади.

(26-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелданаги ЎРҚ-476-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

Давлат музейлари аҳамиятига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланадиган тоифаларга бўлинади.

27-модда. Музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

Олдинги таҳрирга қаранг.

Музейлар қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

(27-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 42, 49, 50 ва 53-моддалари ҳамда Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган «Музейларни ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги низом.

Олдинги таҳрирга қаранг.

27¹-модда. Музейларнинг фаолият турлари

Музейлар қонунчилиқда тақиқланмаган ҳамда ушбу Қонуннинг 24-моддасида назарда тутилган музейларни ташкил этиш мақсадларига мос бўлган фаолият турларини ўз таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши мумкин. Бунда музейлар томонидан музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши таъминланиши керак.

(27¹-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ-732-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.11.2021 й., 03/21/732/1098-сон)

28-модда. Музейларни молиялаштириш

Олдинги таҳрирга қаранг.

Давлат музейларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат музейларини молиялаштириш уларнинг мулкдори маблағлари ва қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

(28-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

Давлат музейи жойлашган бино бошқа ташкилотларга берилган тақдирда ушбу масала бўйича қарор қабул қилган давлат органи давлат музейини тенг қийматдаги бино билан таъминлаши ҳамда мазкур музейнинг музей ашёлари ва музей коллекцияларини, шунингдек кўргазма жихозларини кўчириш билан боғлиқ харажатларни қоплаши шарт.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Давлат музейларига пулли хизматлар кўрсатишдан, хайриялардан ҳамда қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалардан келиб тушадиган маблағлар келгуси йил учун бюджетдан молиялаштириш ҳажмини белгилашда ҳисобга олинмайди ва ушбу маблағлар ҳисобига бюджетдан молиялаштириш миқдори камайтирилмайди. Бунда кўрсатилган маблағлардан давлат музейларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

(28-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ-732-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.11.2021 й., 03/21/732/1098-сон)

29-модда. Музейларга бериладиган имтиёзлар

Олдинги таҳрирга қаранг.

Музейлар учун имтиёзлар қонунчилиқка мувофиқ берилади.

(29-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

30-модда. Музейларнинг халқаро ҳамкорлиги

Олдинги таҳрирга қаранг.

Музейларнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

(30-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

7-боб. Миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш

31-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекциялари фуқаролар кириб кўриши учун очиқдир.

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш қўйидаги асосларга кўра чекланиши мумкин:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиш ҳолати қониқарсиз бўлганда;

реставрация ишлари амалга оширилаётганда;

музей ашёлари ва музей коллекциялари музей захирахонасида бўлганда.

Олдинги таҳтирга қаранг.

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда, шу жумладан музей захирахонасида турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартлари қонунчиликда белгиланади.

(31-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

32-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини эълон қилиш

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини биринчи марта эълон қилиш ҳуқуқи мулкдор томонидан мазкур музей ашёлари ва музей коллекциялари бириктириб қўйилган музейга тегишлидир.

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тақорорлашдан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтказилиши музей ашёлари ва музей коллекцияларининг мулкдори белгилаган тартибда музейлар томонидан амалга оширилади.

Олдинги таҳтирга қаранг.

Музей ашёлари ва музей коллекциялари, музейларнинг бинолари, музейлар ҳудудида жойлашган обьектлар тасвиirlаридан фойдаланган ҳолда тасвирий, босма, ёдгорлик ва бошқа ададли маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, музейларнинг номлари ва рамзий белгиларидан фойдаланиш қонунчиликка мувофиқ музейлар маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилади.

(32-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

8-боб. Якунловчи қоидалар

33-модда. Низоларни ҳал этиш

Олдинги таҳтирга қаранг.

Музейларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

(33-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

Олдинги таҳтирга қаранг.

34-модда. Музейлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Музейлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

(34-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

Олдинги таҳтирга қаранг.

35-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

(35-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли
Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсинг;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий
хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.



LexUZ шарҳи

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 13 сентябрдаги 181 (4591)-сонида эълон
қилинган.*

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 12 сентябрь,
ЎРҚ-177-сон

(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 364-модда; 2013 й., 18-
сон, 233-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси,
19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й.,
03/21/683/0375-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 26.11.2021 й., 03/21/732/1098-сон)